



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 7 - Инвар

26 -son

Bog‘ot shaharchasi

Мархум Давлетов Тохирнинг турар жой  
биносига бўлган эгалик ҳуқуқини  
белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Меҳнат гули” маҳалласида яшовчи фуқаро Давлетов Тўхтабой Таировичнинг мархум отаси Давлетов Тохирнинг “Меҳнат гули” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 10 ноябрдаги ХО-Д-3160-сонли аризасини, “Меҳнат гули” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2020 йил 9 ноябрдаги 3901-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р            Қ И Л А М А Н :**

1. Боғот тумани “Меҳнат гули” маҳалласида жойлашган 5 (беш)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 67,00 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 1 (бир)та бўлиб, ички ўлчами 34,65 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 101,65 квадрат метр, қурилиш ости майдони 138,0 квадрат метр, умумий ер майдони 1376,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Давлетов Тохирга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Мархум Давлетов Тохирнинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Давлетов Тохирнинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи**



**Ш.Яхшибаев**